

**ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИДА СУД ҲАРАЖАТЛАРИ**

**Мардонова Азиза Жамоловна**

*Термиз давлат университети*

*Юридик факултети талабаси*

*Э-маил: azizamardonova2004@mail.com*

*Тел: +998 95 433 46 40*

**ИНФОРМАЦИЯ О  
СТАТЬЕ**

**АННОТАЦИЯ:**

**ИСТОРИЯ СТАТЬИ:**

*Received: 18.10.2025*

*Revised: 19.10.2025*

*Accepted: 20.10.2025*

**КЛЮЧЕВЫЕ  
СЛОВА:**

*суд ҳаражатлари,  
давлат божи, суд  
чиқимлари, суд  
ҳаражатларини тўлашдаги  
имтиёзлар.*

*Ушбу мақолада суд ҳаражатлари тушунчаси, суд ҳаражатининг турлари ва стафкалари, Иқтисодий судлар томонидан давлат божи ундирилишининг ўзига хос хусусиятлари, суд ҳаражатларининг тақсимланиши ва тўлашдаги имтиёзлар, давлат божини қайтариш шартлари келтирилган. Бундан ташқари чет давлат судлари ўртасидаги фарқлар мавжуд.*

Нафақат Фуқаролик судларида балки Иқтисодий судларда ҳам ишларни кўриш муайян ҳаражатларни талаб қилади. Қонунчиликда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан мазкур ҳаражатларни қопланиши белгилаб қуйилган.

**Суд ҳаражатлари**-ишда иштирок этувчилардан давлат фойдасига ва бошқа ҳаражатлар ўрнини қоплаш учун ундириладиган тўлов ҳисобланади.

**Давлат божи**- юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўловдир.

**Суд чиқимлари**- суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта ҳаражатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни

чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун ундириладиган тўловдир.

**Суд харажатларини тўлашдаги имтиёзлар**- судларга мурожаат қилиш чоғида судга мурожаат қилаётган шахсга нисбаттан давлат божини тўлашдаги имтиёз тушунилади.

Асосий қисм: Суд харажатлари икки қисмдан ташкил топади булар- давлат божи ва суд чиқимларидир.

Давлат божи стафкалари қонун билан, почта харажатлари ва суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ суд харажатларининг суммаси Иқтисодий суд томонидан белгиланади. Иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган мулкий тусдаги талаблардан даъво бахосининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади. Миллий қонунчилигимизга кўра давлат божининг енг минимал суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаслиги керак. Иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган номулкий тусдаги талаблардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг электрон тўлов тизими (billing.sud.uz) 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб судлар фаолиятига Олий

The image shows a screenshot of the MY.SUD.UZ portal. At the top, there is a blue header with the text "ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY SUDI INTERAKTIV XIZMATLARI PORTALI - MY.SUD.UZ". Below the header, there are two main sections: "ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН КЕРАКЛИ ВОСИТАЛАР" (Necessary tools for using services) and "СУД ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИНИНГ ИНТЕРНЕТДАГИ МАНЗИЛИ" (Internet address of the court services portal). The main content area is divided into five steps (a-e) for online payment:

- a) sud.uz "Интерактив хизматлар" рўйхатидан "Электрон тўлов тизими" хизматига ўтиш**: Shows a button for "Электрон тўлов тизими".
- b) "Электрон тўлов тизими" ойнасида "Янги квитанция яратиш" бўлимига ўтиш**: Shows a button for "Янги квитанция яратиш".
- c) Шаклдаги барча майдонларни тўлдириш ва янги квитанцияни яратиш**: Shows a form for creating a receipt.
- d) Янги квитанцияни чоп этиш**: Shows a printed receipt with a QR code.
- e) Тўловни амалга ошириш**: Lists payment methods:
  - Тўловни банк орқали амалга ошириш:
    - Bank card payment
    - Bank card payment via MUNITC system (205 601 0205)
    - Payment via 12-hour payment terminal
  - Тўловни тўлов тизимлари орқали амалга ошириш (Click, Payme, UPay):
    - Payment via mobile devices (CLICK, Payme, UPay, PAYNET)
    - Payment via "Davlat xizmatlari" department or "Tulovlar" department
    - "SUD E-to'lov" service
    - Payment via court fee summary and receipt within 12 hours

суднинг Интерактив хизматлар порталида (my.sud.uz) жойлаштирилган “Электрон тўлов тизими” рўйхати орқали давлат божлари ва судга мурожаат қилишдаги бошқа харажатлар суммасини онлайн тарзда тўлаш учун ягона биллинг тизими яратилган. Ушбу расмда шу ҳақида.<sup>56</sup>

Иқтисодий судларга бериладиган давлат божларининг қиймати:

а) мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорда, бироқ БХМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

<sup>56</sup> <https://billing.sud.uz>

б) номулкий хусусиятга эга даъво аризаларидан - БХМнинг 10 баравари;  
в) тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги аризалардан- БХМнинг 3 баравари;

г) хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан- БХМнинг 10 баравари;

д) апелляция, кассация ва назорат тартибида берилган шикоятлардан - биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун аризалар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи;

е) суд ҳужжатларининг дубликатларини ҳамда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра иқтисодий суд томонидан ишлардан бошқа ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун-ҳужжатнинг ҳар бир бети учун БХМнинг 2 фоизи;

ж) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан-БХМнинг 2 баравари;

з) чет давлат судлари ва арбитражлар қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги аризалардан-БХМнинг 2 баравари;<sup>57</sup>

Пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан 3 кун олдинги санада қайд етилган бўлиши керак. Давлат божидан ҳеч қандай шахс озод қилинмайди бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида” ги Қонунида белгиланган 26 та тоифадаги давлат органлари бундан мустасно. Аммо амалдаги қонунчилигимизга кўра кичик тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилганларида белгиланган ставканинг 50 фоизи

---

<sup>57</sup> “Давлат божи тўғрисида”ги қонун.

миқдорида давлат божи тўлайдилар бу пасайтирилган давлат божи стафкаси дейилади.<sup>58</sup>

Шундан келиб чиққан ҳолда хулоса беришимдан олдин қонунчилик билан таклифларимни баҳам кўрмоқчиман:

1. Давлат божининг нархларини босқичма-босқич кўтариш. Бу албатта бошида ноўрин тўйилади лекин биз яна 30 йил утиш ҳолатида туролмаймиз. Мамлакат билан бирга аҳоли ҳам шунингдек судлар ҳам ўсиши керак. Ушбу таклифим асосида судларга қилинадиган асоссиз мурожаатлар сони кескин камаяди ва судлар бир иш устида ярим соат эмас камида икки кунлаб ишлаш имкониятига эга бўлади.

2. Ушбу 26 та давлат органлари(сунгги малумотларга қараганда 30 тага ётган) тадбиркорлар кўзида “давлат божидан озод булишдаги бир йўл” сифатида гавдаланиябди. Аслида бу органларнинг асосий вазифаси ташкилотларнинг муаммо-масалаларини судгача ҳал қилиш бўлса булар айни дамда судда ташкилотлар номидан давлатга ҳеч қандай бож тўламасдан иштирок етишмоқда. Ушбу давлат органларининг қиладиган бошқа вазифалаги кўплигини ва ташкилотлар номидан судда иштирок етиб бошқа ишларига улгурмасдан қолишларини олдини олган ҳолда уларга ҳам ишда иштирок етишмоқчи бўлишса давлат божини ўз ҳисобларидан тўлаши кераклигини аниқлаштириб олишимиз даркор.

3. Ёки бўлмаса қуйидаги давлат органларининг буйнидан судда ташкилот номидан иштирок этиш масъулиятидан озод қилиш керак. Бу давлат органларини ташкилотнинг турли бўғинлари билан ишлашлари учун фаолиятига қараб ажратиб чиқиш ва ташкилот масалаларини судгача ҳал қилишдек катта масъулият юклатилсин.

4. Енг асосий таклифим ҳар битта ташкилот узининг фаолиятдан келиб чиқиб муаммони ҳал қиладиган алоҳида уюшма очсин, ташкилот ичида. Бу ташкилотга ўзлари билимли ва малакали деб билан, мидиатив келишувлар олиб

---

<sup>58</sup> Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик. Муаллифлар жамоаси-Тошкент: Yuridik adabiyotlar Publish. 2022-у, 128-131 бетлар

бороладиган, томонлар уртасидаги шартнома ва битимларда мурасасизлик юзага келса уни судга олиб бормасдан ҳал қиладиган, шунингдек молиявий ва шартномавий ҳолатларни тушунадиган шахслардан уюшма тузишсин. Ўзлари уни молиялаштириб, судда ҳам ташкилот номидан давлат органлари эмас ташкилотнинг ҳақиқий ҳолатини биладиган ва ишни ўз номига ҳал қилоладиган шахслардан давлатга ётарлича бож тўлаб иштирок этишсин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек суд харажатларининг 2 гуруҳи мавжуд давлат божлари ва ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар. Иккала суд харажатларининг ҳам ўз мақсадлари бор. Давлат божларини ундиришдан мақсад давлат ғазнасини бойитиш деб ўйласангиз адашасиз албатта чунки давлат ғазнасига келиб тушадиган тушумларни олдида сизнинг давлат божингиз ҳеч қанча эмас ва давлат бу божлар билан бойиб кетмайди. Шундай экан давлат божининг асосий мақсадлари судга қилиниши мумкин бўлган асоссиз мурожаатларнинг олдини олиш, шахсларни ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга даъват этиш ва судларда иш юритиш харажатларини маълум маънода қоплашдан иборат ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларда суд ишини юритиш, ариза талабини ёхуд низоли ҳолатни, қарши тарафнинг ёътирозларини аниқлаш учун жалб қилинган воситалар учун қилинган харажатларни қоплаш ҳисоланади. Давлат божлари қанча юқори бўлса аҳолининг судларга мурожаат қилини камаяди ва фуқоролар арзимаган масалалар бўйича ҳам судларга мурожаат қилавермасдан ўзлари масалани ечимини қидиришади ёки тарафлар бир-бири билан келишишади. Асосийси судлар асоссиз ишларга вақт сарфлашмайди ва мураккаб ишларни чуқурроқ таҳлил қилишлари учун имкон бўлади. Қонунчилигимизда ҳам давлат божларини ундириш қатъий белгиланган ва ҳеч ким давлат божидан озод қилинмайди. Аммо юқоридаги 26 та давлат органи давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини билдик.

### Фойдаланилган адабтётлар

1. Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик. Муаллифлар жамоаси-Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2022-у.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида” ги қонун.
3. <https://lex.uz>
4. <https://billing.sud.uz>

